

Аму йигити – юорт пешқадами

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ ёшларни мустақил ва янгича фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта эгаллаган, ватанимизнинг эртанги куни, тақдирини ўз қўлига олишга қодир интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялаш энг муҳим вазифа қилиб қўйилган эди. Бугунга келиб бу борада олиб борилган саъй-ҳаракатлар ўз мевасини берди. Дунё ёшлари билан беллаша оладиган, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёшларимизнинг турли жабҳаларда эришаётган ютуқлари тақсинга сазовордир.

2019 йил 18 апрель куни Узбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши кўчма тарзда Самарқанд шаҳрида ўтказилди. Йиғилишдан сўнг “Ёшлар маркази”да соҳа ходимларининг касб байрами нишонланди. Тадбирда соҳада фаолият юритаётган ишчи-ходимлар меҳнатини муносиб тақдирлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочи-си” кўкрак нишони билан илк бор фидокорона меҳнати билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гурӯҳ ишчи-ходимлар тақдирланди.

Тақдирланганлар қаторида, ёш бўлишига қарамай, Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи лавозимида хизмат қилаётган Санжар МУРОДОВ ҳам бор.

Биз Санжар Муродовнинг ҳаёти ва иш фаолияти ҳақида журналхонларимизга билганларимизни илиндиқ.

Санжар болалик чоғлариданоқ расм солишига, чизмачиликка қизиқар эди. Бу кейинчалик ўз натижасини кўрсатди. Мактабни аъло баҳолар билан тутатгандан сўнг, Қорақалпоғистон Давлат университетининг техника факультетига хужжат топшириб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди ва шу факультетнинг архитектура бўлимiga ўқишига қабул қилинди.

ИНсон туғилиб-ўслан замин ва тарбияланган муҳит унинг келажагини белгиловчи энг муҳим омилдир. Чунки инсоннинг шахс сифатида шаклланишида атрофини ўраб турган яшил олам, у билан ҳамнафас яшаётган яқинлари, ҳамқишлоқлари, қолаверса, бир даврада ҳамсұхбат бўлувчи ёр-дўстлари асосий ўрин тутади. Санжарни архитекторлик дипломини кўлга олиши билан Амударё туман ҳокимлигига бosh мутахассис лавозимига ишга қабул қилишди. Ўз ишини пухта билиши, ташкилотчилик қобилия-



ти туфайли 2015-2017 йиллар туман бош мемори вазифасида фаолият юритди.

Ҳозирги кунда туман аҳолисига коммунал хизмат кўрсатувчиларга бош-қош бўлиб келмоқда.

Сўнгги йилларда Амударё туманида барпо қилинаётган маъмурий бинолар, намунавий лойиҳалар асосидаги тураржойлар туман кўркига кўрк қўшиш билан бирга амударёликларнинг кулагай уй-жойларга эга бўлишларига имконият яратмоқда.

Ана шундай муваффақиятларга эришишда турли соҳаларда фаолият юритаётган фидойи инсонлар қаторида ёш мутахассис Санжар Муродовнинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор. “Интилганга толе ёр” дейишгани бежиз эмас экан. Ҳа, ҳар бир ёш учун, энг муҳими, ўз олдига маълум бир мақсад қўйиб, интилишдир.

Ҳикоямиз қаҳрамони ҳам мақсади сари интилиб яшамоқда. Оиласи тинч, фарзанди улғаймоқда. Турмуш ўртоғи Фаридахон ўқитувчилик касбини улуғлаб, ёшларга зиё тарқатади, 71 ёшли отаси Отажон Муродов фарзандини ҳар куни дуо қилиб, ишга кузатади. Қаҳрамонимиз ёш бўлса-да, туманда кўпчилик уни танийди ва хурмат қиласди, ўзи севган, орзу қилган касбда ишламоқда. Дўсту биродарлари ҳамиша ёнида. Йигит кишининг омади, баҳти ва камоли шудир, балки.

Ш. РАДЖАБОВ